Shakllantiruvchi bosqichida taklif etilayotgan algoritm asosida tajriba guruhiga mashg‘ulotlar o‘tkazilib, talabalarning o‘zlashtirish samaradorligini baholash uchun quyidagi mezonlar ishlab chiqildi: motivatsion; kognitiv; texnologik; kreativ.

Yakunlovchi bosqichida tajriba va nazorat guruhidagi talabalarning natijalarni ishonchlilagini tekshirish maqsadida Styudent-Fisher kriteriyasi asosida matematik-statistik tahlili qilindi. Mazkur kriteriyadan foydalanishda tanlanmalar uchun mos o‘rta qiymatlar $\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^4 n_i X_i$, tarqoqlik koeffitsiyentlarini

$$D_n = \sum_{i=1}^4 \frac{n_i(x_i - \bar{X})^2}{n-1}, \quad \text{o‘rtacha kvadratik chetlanishlarni } \tau_n = \sqrt{D_n}, \quad \text{variatsiya}$$

$$\text{ko‘rsatkichlarini } \delta_n = \frac{\tau_n}{\bar{X}}, \quad \text{baholashning ishonchli chetlanishlarini } \Delta_n = t_{kh} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}},$$

$$\text{o‘zlashtirish ko‘rsatkichlarini aniqlashda esa } A \% = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\%$$

formulalardan foydalanildi. Hisoblash natijasiga ko‘ra, tajriba guruhining o‘rtacha

o‘zlashtirish ko‘rsatkichi nazorat guruhiga nisbatan yuqori ekanligi, ya’ni 12,4 % ga oshganligi ma’lum bo‘ldi.

Xulosa va takliflar. Xulosa qilib aytganda, talabalarni obyektga yo‘naltirilgan dasturlash tillaridan kompetentligini shakllantirish bugungi axborot texnologiyalari sohasida muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki barcha sohani boshqarish, elektron to‘lovlarni amlga oshirish, matematik va iqtisodiy masalalarni hisoblash, kompyuter va mobil qurilmalari uchun dasturiy mahsulotlarni tayyorlash va masofadan turib ma’lumotlarni o‘zaro almashish uchun samarali amaliy dasturlarni ishlab chiqish talab etiladi. Bularni benihoyat obyektga yo‘naltirilgan dasturlash tillar orqali amalga oshirish mumkin. Shu sababli oliy ta’lim muassasalarida talabalarni obyektga yo‘naltirilgan dasturlash tillaridan kompetentligini shakllantirish uchun dastlab fan dasturlarini takomillashtirish hamda yangi avlod darsliklarini yaratish muhim hisoblanadi. Shu bilan bir qatorda talabalarining mustaqil o‘quv faoliyatini tashkil etish tizimini takomillashtirish lozim. Buning uchun esa talabani kreativ fikrlashga yo‘naltirilgan amaliy topshiriqlarini berib borish va ularni yechimiga amaliy yordam beruvchi o‘qitish algoritmini ishlab chiqish talab etiladi.

Shu bois talabalarni obyektga yo‘naltirilgan dasturlash tillariga oid kompetentligini shakllantirishda yuqorida keltirilgan algoritmdan foydalanishni tavsiya etamiz. Ushbu o‘qitish algoritmi talabani mustaqil ravishda ishlashga va tanqidiy fikrlashga yo‘naltiradi. Buning natijasida talabalarining kompetentligini shakllantirishga erishish mumkin.

Yuqorida olib borilgan statistik-tahlillardan aytish mumkinki, oliy ta’lim muassasalarida talabalarni obyektga yo‘naltirilgan dasturlash tillaridan kompetentligini shakllantirishda taklif etilayotgan alogoritmdan foydalanish uchun ommalashtirish mumkinligiga asos bo‘ladi.

Adabiyotlar

1. Нурбекова Ж.К. Теоретико-методологические основы обучения программированию // Монография. – Павлодар, 2004. – 225 с.

2. Нурбекова Ж.К. Психолого-педагогические аспекты обучения программированию // Исследования, результаты. 2003. – № 3-4. – С.84-86.
3. Бен-Ари М. Языки программирования // Практический сравнительный анализ: Пер. с англ. –М.:Мир, 2000. – 366 с.
4. Бидайбеков Е.Ы., Талпаков Н.А. К вопросу обучения курса информатики, на основе интеграции парадигм программирования // Вестник АГУ им. Абая. Серия физико-математическая. – Алматы. 2003. – №2(8). – С.46-47.
5. Гамма Э., Хелм Р., Джонсон Р., Влиссидес Дж. Приемы объектно-ориентированного программирования // Паттерны проектирования. – СПб.: Питер. 2001. – 124 с.
6. Голубятников И.В. Математическое и программное обеспечение обучающих мультимедийных комплексов и систем // Дисс. ...техн. пед. наук. - 2000.-289с.
7. Дроботун Б.Н., Кадыкалов В.Г. Алгоритмы и машины Тьюринга // Учебно-методическое пособие. – Павлодар, 2003. – 105 с.
8. Акулова О.В., Заир-Бек Е.С., Писарева С.А., Пискунова Е.В., Тряпицына А.П. Компетентностная модель современного педагога // Учебно-методическое пособие. – СПб: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2009. – С.17.
9. Кострова Ю.С. Генезис понятий «компетенция» и «компетентность» // Молодой ученый. 2011. – № 12. Т .2. – С. 102.
10. Обрубова А. В. Формирование структурно-функциональной модели электронно-образовательного ресурса по искусствознанию в условиях вузовской подготовки педагога-художника // Дисс. ... на соиск. учен. степ, канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2015. – 239 с.
11. Зимня И.А. Ключевые компетентности как результативноцелевая основа компетентностного подхода в образовании // Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов. – М.:, 2004. – 42 с.

12. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий – методик асослари // Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошент, 2007. – 275 б.

13. Турдиев Н.Ш., Асадов Ю.М., Акбарова С.Н., Темиров Д.Ш. Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари // Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент, 2015. –160 б.

14. Otaxanov N. A. Obyektga yo‘naltirilgan dasturlash texnologiyalari va ulardan foydalanish. // Pedagogik ta’lim. – Toshkent, 2008. – № 4. –B. 56-61.

15. Жужжалов В.Г. Совершенствовани есодержания обучения программированию на основе интеграции парадигм программирования // Автореферат диссертацииин асоискани еученойстепени докторапедагогически хнаук. – Москва, 2004. – 48 с.

16. <https://ru.wikipedia.org/wiki>

17. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/61032>

ПРИМЕНЕНИЯ ТЕОРИИ ЧИСЛОВЫХ РЯДОВ ДЛЯ ДОКАЗАТЕЛЬСТВА РАВЕНСТВ, ИССЛЕДОВАНИЯ НА СХОДИМОСТЬ НЕСОБСТВЕННЫХ ИНТЕГРАЛОВ И ПРИБЛИЖЕННОГО ВЫЧИСЛЕНИЯ ЗНАЧЕНИЯ ФУНКЦИИ

Пиримов Акрам Пиримович

*Доцент Навоийского государственного педагогического института,
кандидат физико-математических наук, Узбекистан*

Маратова Фариза Азаматовна

*Студент Навоийского государственного педагогического института,
Узбекистан*

Аннотация: Материал статьи рассчитан на студентов технических специальностей, однако будет полезен всем, кто интересуется теорией несобственных интегралов. Представляет собой рекомендации в виде задач и примеров для подготовки к экзаменам, практическим занятиям, контрольным и рубежным работам, выполнения домашних заданий. Материал работы может быть использован преподавателями, ведущими практические занятия. Автор предполагает, что читатель владеет основными понятиями теории бесконечно малых и больших величин, их сравнения, различными способами вычисления пределов.

Abstract: The article is intended for students of technical specialties, but it will be useful to anyone interested in the theory of improper integrals. It provides recommendations in the form of tasks and examples for preparing for exams, practical classes, control and milestone works, and completing homework. The material of the work can be used by teachers who conduct practical classes. The author assumes that the reader knows the basic concepts of the theory of infinitesimal and large quantities, their comparison, and various ways of calculating limits.

Аннотация: Мақоланинг материали техник мутахассисликлар талабалари учун мўлжалланган, аммо ажралмас интеграллар назариясига

қизиққан ҳар бир киши учун фойдали бўлади. Имтиҳонларга, амалий машғулотларга, назорат ва чегара ишларига тайёргарлик кўриш, уй вазифаларини бажариш учун вазифалар ва мисоллар шаклида тавсиялар. Иш материаллари амалий машғулотлар олиб борадиган ўқитувчилар томонидан қўлланилиши мумкин. Муаллиф, ўқувчи чексиз кичик ва катта микдордаги назариянинг асосий тушунчаларига, уларнинг таққослашларига, чегараларни хисоблашнинг турли усусларига эга эканлигини таъкидлайди.

Keywords: signs of convergence, radical, improper integral, the sign of D'alembert, Cauchy integral sign.

Ключевые слова: признаки сходимости, радикальный, несобственный интеграл, признак Даламбера, интегральный признак Коши.

Қалит сўзлар: яқинлик белгилари, радикал, ажралмас интеграл, Дъалемберт белгиси, Коши интеграл белгиси.

Введение. Ряды—важный аппарат математического анализа, дающий возможность решения многих вопросов как самого анализа, так и его приложений. Вычисление интегралов, не выражющихся через элементарные функции, интегрирование дифференциальных уравнений, составление таблиц логарифмов и тригонометрических функций, представление функций, характеризующих сложные явления, в виде суммы простых гармонических колебаний — таковы примеры задач, использующих аппарат рядов.

Теорию рядов можно применить и к интегрированию функций. Если функция $f(x)$ разложима в равномерно сходящийся на отрезке $[a, b]$ ряд, то интеграл $\int_{x_1}^{x_2} f(x) dx$, где $a \leq x_1 < x_2 \leq b$, часто также легко представляется в виде сходящегося ряда. Разумеется, и неопределенные интегралы можно вычислять с помощью разложения в ряд подынтегральной функции с последующим интегрированием этого ряда. Таким путем удается вычислить ряд интегралов, не выражющихся через элементарные функции в конечном

виде, а также ряд некоторых интегралов, вычисление которых другими способами представляет значительные признаком трудности.

Основная часть. Достаточные признаки сходимости рядов можно использовать для доказательства равенств вида $\lim_{n \rightarrow \infty} f(n) = 0$. Действительно, указанное равенство в силу необходимого признака сходимости будет верным, если сходится ряд $\sum_{n=1}^{\infty} f(n)$.

Имеет место и более сильное утверждение. Если ряд $\sum_{n=1}^{\infty} \frac{f(n)}{n}$ с положительными и монотонно убывающими членами сходится, то $\lim_{n \rightarrow \infty} f(n) = 0$. Теорию числовых рядов можно применять и для исследования сходимости несобственных интегралов с бесконечными пределами. Действительно, в силу интегрального признака Коши несобственный интеграл $\int_a^{\infty} f(x)dx$ и ряд $\sum_{n=1}^{\infty} f(n)$ сходится или расходятся одновременно, если только функция $f(x)$, принимающая в точках $x = n$, $n = 1, 2, \dots$, значения $f(n)$, совпадающие с членами ряда, положительна при $x \geq a$ и монотонно убывает для достаточно больших значений аргумента.

Для приближенного вычисления значения функции $f(x)$ в точке x_0 можно использовать следующий прием. Функцию $f(x)$ раскладывают в степенной ряд. В полученном разложении полагают $x = x_0$. Заметим, для вычисления $f(x_0)$ с нужной точностью берут необходимое число его начальных членов. Так, например, для вычисления $\arcsin(1/10)$ следует функцию $\arcsin x$ разложить в степенной ряд (по степеням x), а затем положить в нем $x = 1/10$.

Пользуясь достаточными признаками сходимости числовых рядов с положительными членами и функционального ряда, покажем вычисления

пределов, доказательство тождества, вычисления несобственных интегралов, приближенное вычисления значения функции с помощью рядов.

Пример 1. Докажем, что $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{a^n}{n!} = 0$, $a > 0$.


Здесь $f(n) = \frac{a^n}{n!}$, $f(n+1) = \frac{a^{n+1}}{(n+1)!}$. Составим ряд $\sum_{n=1}^{\infty} \frac{a^n}{n!}$ и исследуем его на

сходимость с помощью признака Даламбера:

$$\rho = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{f(n+1)}{f(n)} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{a^{n+1} n!}{(n+1)! \cdot a^n} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{a}{n+1} = 0 < 1.$$

Так как ряд с общим членом $\frac{a^n}{n!}$ сходится, то $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{a^n}{n!} = 0$.

Приведём решение этого примера на прикладном пакете Maple.



Отсюда следует что, ниже приведенные примеры можно решить этим методом.

Пример 2. Докажем равенство $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{n^{n^2}}{[(3n)!]^n} = 0$.

Составим ряд $\sum_{n=1}^{\infty} \frac{n^{n^2}}{[(3n)!]^n} = \sum_{n=1}^{\infty} a_n$ и исследуем его на сходимость с помощью признака Коши: $\lim_{n \rightarrow \infty} \sqrt[n]{a_n} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{n^n}{(3n)!}$. Покажем, что предел равен нулю. Для этого, в свою очередь, рассмотрим ряд $\sum_{n=1}^{\infty} b_n = \sum_{n=1}^{\infty} \frac{n^n}{(3n)!}$. Он сходится по признаку Даламбера, так как

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{b_{n+1}}{b_n} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{(n+1)^{n+1} (3n)!}{(3n+3)! n^n} = \frac{1}{3} \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{(1+1/n)^n}{(3n+1)(3n+2)} = 0 < 1.$$

Следовательно, общий член ряда $\sum_{n=1}^{\infty} b_n$ стремится к нулю при $n \rightarrow \infty$, откуда $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{n^n}{(3n)!} = 0$. А так как $\lim_{n \rightarrow \infty} \sqrt[n]{a_n} = 0 < 1$, то, по признаку Коши, ряд $\sum_{n=1}^{\infty} a_n$ сходится. Отсюда вытекает, что предел его общего члена равен нулю, т.е. данное равенство справедливо.

Пример 3. Исследуем на сходимость интеграл $\int_0^{\infty} \sqrt{x} e^{-x} dx$. Заметим, что функция $f(x) = \sqrt{x} e^{-x} = \sqrt{x} / e^x$ непрерывна и положительна для $x > 0$ и монотонно убывает, например, для $x > 1$. Составим ряд $\sum_{n=1}^{\infty} \frac{\sqrt{n}}{e^n}$. Он сходится по признаку Даламбера, так как $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{f(n+1)}{f(n)} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{\sqrt{n+1} e^n}{e^{n+1} \sqrt{n}} = \frac{1}{e} < 1$. Из сходимости ряда вытекает сходимость данного интеграла.

Пример 4. Исследуем на сходимость интеграл $\int_1^{\infty} \frac{\Gamma(x+1)}{x^x} dx$, где

$$\Gamma(x) = \int_0^{\infty} \alpha^{x-1} e^{-\alpha} d\alpha \text{ - гамма-функция.}$$

Докажем вначале, что подынтегральная функция $\frac{\Gamma(x+1)}{x^x}$ монотонно убывает при $x \rightarrow +\infty$. С этой целью воспользуемся приближенной формулой

$\Gamma(x) \approx \sqrt{2\pi} x^{x-1/2} e^{-x}$ ($x \rightarrow +\infty$), означающей, что $\frac{\Gamma(x)}{\sqrt{2\pi} x^{x-1/2} e^{-x}} \rightarrow 1$ при $x \rightarrow +\infty$

Отсюда следует, что при больших значениях аргумента x функция $\frac{\Gamma(x+1)}{x^x}$ ведет себя (в смысле монотонности) так же, как функция $\frac{\sqrt{2\pi} x^{x+1/2} e^{-x}}{x^x} = \sqrt{2\pi} \frac{\sqrt{x}}{e^x}$, которая убывает при $x \rightarrow +\infty$. Следовательно, и функция $\frac{\Gamma(x+1)}{x^x}$ начиная с некоторого значения x монотонно убывает при $x \rightarrow +\infty$.

Воспользуемся теперь известным для гамма - функции равенством $\Gamma(n+1) = n!$ и докажем сходимость ряда

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{\Gamma(n+1)}{n^n} = \sum_{n=1}^{\infty} \frac{n!}{n^n}. \quad (1)$$

Действительно, он сходится по признаку Даламбера, так как

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{a_{n+1}}{a_n} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{(n+1)! n^n}{(n+1)^n n!} = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{n}{n+1} \right)^n = \frac{1}{e} < 1.$$

Из монотонного убывания подынтегральной функции и сходимости ряда (1) вытекает сходимость данного несобственного интеграла.

Пример 5. Представить в виде ряда функцию $F(x) = \int_e^x \frac{dx}{\ln x}$.

Пусть $\ln x = y$, тогда $x = e^y$, $dx = e^y dy$;

$$\begin{aligned} \int_e^x \frac{dx}{\ln x} &= \int_1^{\ln x} \frac{e^y dy}{y} = \int_1^{\ln x} \left[\frac{1}{y} \left(1 + y + \frac{y^2}{2!} + \dots + \frac{y^n}{n!} + \dots \right) \right] dy = \int_1^{\ln x} \left(\frac{1}{y} + 1 + \frac{y}{2!} + \dots + \frac{y^{n-1}}{n!} + \dots \right) dy = \\ &= \left[\ln|y| + y + \frac{y^2}{2 \cdot 2!} + \dots + \frac{y^n}{n \cdot n!} + \dots \right]_1^{\ln x} = \left(\ln|\ln x| + \ln x + \frac{\ln^2 x}{2 \cdot 2!} + \dots + \frac{\ln^n x}{n \cdot n!} + \dots \right) - \\ &- \left(1 + \frac{1}{2 \cdot 2!} + \dots + \frac{1}{n \cdot n!} + \dots \right) = \ln|\ln x| + \frac{\ln x - 1}{1 \cdot 1!} + \frac{\ln^2 x - 1}{2 \cdot 2!} + \dots + \frac{\ln^n x - 1}{n \cdot n!} + \dots \end{aligned}$$

Разложение

имеет место для $x > 0$, $x \neq 1$.

Пример 6. Вычислить $\sqrt[4]{e}$ с точностью до 0,00001.

В разложении функции e^x полагаем $x = 1/4$:

$$e^{1/4} = 1 + \frac{1}{4} + \frac{1}{4^2 \cdot 2!} + \frac{1}{4^3 \cdot 3!} + \frac{1}{4^4 \cdot 4!} + \dots$$

Если взять пять членов этого ряда ($n=4$), то ошибка вычислений не будет превышать 0,00001:

$$R_4 < \frac{x^{4+1}}{4!(4+1-x)} = \frac{1}{4^5 \cdot 4! \left(5 - \frac{1}{4}\right)} < 0,00001$$

Подсчитав сумму пяти выписанных выше членов ряда, получим $\sqrt[4]{e} \approx 1,28403$.

Можно сделать вывод, что с помощью рядов можно решить задачи, встречающиеся в математике и других науках

Литература

1. Шмелев П. А. Теория рядов в задачах и упражнениях. – М.: «Высшая школа», 1983, 176 с.
 2. Шипачев А. С. Высшая математика. – М., Наука, 1999.
 3. Шестаков А.А. и др. Курс высшей математики. – М., Наука, 1999.
 4. Пискунов Н. С. Дифференциальное и интегральное исчисление. 2-том, – Т., 1987.
 5. Романовский П. И. Ряды Фурье. – М., Наука, 2001.
 6. Берман Г. Н. Сборник задач по курсу математического анализа. – М., 1987.
 7. Н.А.Хамедова, А.В.Садыкова, И.Ш.Лактаева. Математика. Учебное пособие. – Т., Жахон-принт, 2007.
 8. Незбайло Т.Г. Новая теория вычисления неопределенного интеграла. – СПб., Корона-Век, 2007.
- (<http://eqworld.ipmnet.ru/ru/library/mathematics/calculus.htm>)
9. Харин В.Т., Голицына М.Г., Калашникова Е.С., Новикова И.С. Математика. – Москва, МГУНГ им. И.М. Губкина, 2003.

10. William F. Trench. Introduction to real analysis. / Library of Congress Cataloging-in-Publication Data / Trinity University San Antonio, TX, USA. 2003. 583 p. (<http://eqworld.ipmnet.ru/ru/library/books/Trench2003en.pdf>)
11. www. tdpu. uz
12. www. pedagog. uz
13. www. ziyonet. uz
14. www. edu. uz
15. tdpu-INTRANET. Ped

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛ БОШҚАРИШ АМАЛИЙ МАСАЛАСИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ

Сувонов Олим Омонович

*Навоий давлат педагогика институти доценти
Навоий, Ўзбекистон*

Жўракулов Толиб Тохирович

*Навоий давлат педагогика институти докторанти
Навоий, Ўзбекистон*

Аннотация. Мақолада таълим жараёнини оптимал бошқаришнинг математик модели қаралади. Таклиф этилаётган математик модел ёрдамида оптимал бошқаришнинг тезкор ҳаракат масаласи қаралиб, қисқа муддатда белгиланган траектория бўйича охирги нуқтага чиқишининг амалий масаласи, билим олиш жараёни сифатида моделлаштирилган.

Аннотация. В статье рассматривается математическая модель процесса обучения. С помощью прилагаемой математической моделью рассматривается задача оптимального управления по быстродействие, как прикладная задача получения знаний, т.е. за кратчайшее время по задданному траекторию попасть в конечную точку.

Abstract. The article discusses a mathematical model of the learning process. With the help of the supplied mathematical model, the problem of optimal control in terms of speed is considered as an applied problem of obtaining knowledge, i.e. to get to the end point in the shortest time along the given trajectory.

Калит сўзлар. оптимал бошқариш, таълим жараёнини.

Ключевые слова. оптимальное управление, процесс обучения.

Keywords. optimal management, learning process

Адабиётлар таҳлили. Дидактик системаларни бошқариш муаммолари ва таълим жараёнларини математик моделлаштириш методларини яратиш доирасида Л.П.Леонтьев, О.Г.Гохман, Р.В.Майер, Н.Ф.Талызина ва бошқалар

изланишларини келтириш мумкин [1,-3]. Бу тадқиқотларда олий ўқув юртларидағи таълим жараёнларини оптимал бошқаришнинг баъзи амалий масалалари, хусусан, оптимал ўқув режасини ишлаб чиқиш, ўқув жараёни маълумотларини ўлчаш, берилган ва ўзлаштирилган ўқув материали ҳажми орасидаги боғланиш модели, ўқув материали ҳажмини квантлаш, бошқарувда тескари алоқа принципи ва бошқа масалалар.

Таълим жараёнлари тадқиқотида, бошқаришни (оптимал ёки дастурий) амалий масаласининг қўйилиши ва ечилиши, дастлаб ўрганилаётган жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, сўнgra бошқарув тузилмасини функционал фаолиятини яратишдан бошланади. Агарда яратилган бошқарув тузилмаси очиқ система бўлиб, ҳеч қандай ривожланиш қонуниятига эга бўлмаса, у ҳолда бошқарув назариясининг системали ёндошув принципи билан имитацион моделлаштириш методлари қўлланилади. Шунинг учун ҳам таълим жараёни сингари ижтимоий объектлар(жараёнлар) анализ ва синтез масалаларини ечишнинг математик моделларини яратиш, бошқарувнинг электрон хукуматга ўтиш жараёнида рақамли иқтисодиётнинг ечимини кутаётган муҳим муаммолардан бўлиб ҳисобланади.

Бошқаришда қўлланиладиган математик моделларда ўзгарувчиларнинг турли кўринишларидан фойдаланилади. Булардан баъзилари системанинг ҳолатини ифодалайди, иккинчилари чиқиш параметрлари бўлиб, натижани ифодаласа, учунчилари бошқарув таъсирларидир. Ажратилганда бу ўзгарувчилар экзоген ва эндоген ўзгарувчиларга бўлинади. Экзоген ўзгарувчилар, уларнинг қиймати ташқаридан аниқланади ва эндоген ўзгарувчилар эса системанинг ички жараёнларини ифодалаш учун зарур бўлади. Бошқарув параметрлари экзоген ўзгарувчиларнинг бир қисми бўлиб, уларнинг берилиш қийматлари(вақт бўйича бу ўзгарувчиларни ўзгариши)ни менежерлар ўзgartириб, чиқиши керакли томонга буриши мумкин[4].

Мақолада таълим жарёнини системали ёндошув принципига асосланган функционал тузилмасини яратиш ва унинг ҳолатини динамик

таҳлил қилишда оптималь бошқариш моделини ишлаб чиқиш учун назарий изланишлар олиб борилган.

Тадқиқот методологияси. Таълим муассасаларидаги ўқув жараёни, ижтимоий соҳанинг маълум обьекти сифатида “ўқувчи”лар - ахборотни қабул қилувчилар ва “ўқитувчи”лар - ахборот манбаларидан ташкил топган. Амалий масаланинг умумтаълим мактаблари мисолидаги хусусий ҳоли қаралганда, таълим жараёнининг функционал тузилмаси бир қатор ижтимоий-психологик қисмлардан ташкил топган бўлиб, унинг функционал фаолияти тузилмаси келтирилган (расмга қаранг). Алоҳида қисмлар орасида ўзаро ахборот алмашинуви ва уларнинг ўзаро таъсири ҳамда сифат ва миқдорий параметрлари(ҳолатлари)ни динамик баҳолаш тадқиқотнинг асосий мақсадидир.



Назарий билимга эга бўлиш ва уни амаллий қўллай билишни такомиллашуви орасидаги вақтни тақсимлаш моделини бошқарув жараёни обьекти сифатида қараймиз.

Исталган билим икки қисмдан ташкил топган бўлиб, назарий билим ("аниқ информация") ва уни амалиётда қўллай билиш кўникмаси – "малака" дан иборат бўлади. Малака, бу устамонлик, яъни ўзида мавжуд назарий билимни мақсадга эришиш учун қўллай билишдан иборатdir.

$x(t)$ – ўқувчининг t вақтдаги йиғилган маълумотлари ("аниқ назарий билимлар") ҳажми бўлсин, $y(t)$ - тўпланган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш малакалари ҳажми бўлсин, яъни ўқитувчи томонидан берилган материални ўқувчининг тушуниши, масалани ечиш ва муҳокама қилиш; $(t, t + dt)$ - вақт оралиғида билим олишга кетган вақт бирлигини $u(t)$ билан белгилаймиз.

Табиийки билим олиш ҳажмининг $x(t + dt) - x(t)$) ўсиши (кўпайиши, ошиши), унга кетган $u(t)dt$ вақтга ва эгалланган $y(t)$ малакага пропорционал бўлади. Демак,

$$\frac{dx(t)}{dt} = k_1 \cdot u(t) y(t), \quad (1)$$

бунда $k_1 > 0$ коэффициент ўқувчининг индивидуал (шахсий) қобилиятига боғлиқ. Бу вақтда билимнинг ўсиши, унга кетган вақт $(1 - u(t))dt$ эгалланганбилим $x(t)$ ва $y(t)$ малакага пропорционал бўлади. Демак, ўзидан маълумки

$$\frac{dx(t)}{dt} = k_2 (1 - u(t)) x(t) y(t). \quad (2)$$

$k_2 > 0$ коэффициент ҳам шахсий қобилятга боғлиқ. Ўқувчи қанча тез малакага эга бўлса, шунча у қўп билади ва амалда қўллай олади. Билимни қанча тез ўзлаштиrsa, шунча тезликда амалий қўллай олиш шаклланнади.

(1) тенгламанинг ўнг томонига фақат олдин олинган ва масалани ечишда қўлланилиб, малакага айланган тўлиқ билимлар таъсир қиласди.

[0,1] оралиқдан барча t учун $y(t)$ функция қийматини танлаб, таълим жараёнини бошқариш мумкин. Иккита хусусий ҳолат учун амалий масалани

қараймиз. 1- ҳол, қандай қилиб тезликда x_1 билим даражаси ва y_1 малакага эришиш мумкин? Бошқача қилиб айтганда қисқа вақтда фазовий текисликнинг (x_0, y_0) нуқтасидан (x_1, y_1) нуқтасига ўтиш мумкин? 2- ҳол, қандай қилиб қисқа вақт ичида(тезликда) белгиланган (зарур бўлган) билим ҳажмига эга бўлиш, яъни $x = x_1$ тўғри чизиқка чиқиш мумкин. Иккиланган масала: берилган вақт давомида, қандай қилиб катта ҳажмдаги билимга эришиш мумкин. Иккинчи ҳол ва унга иккиланган масала (иккиланганлик математик дастурлашга мос бўлган оддий маънода тушунилади) учун ҳаракатнинг оптимал қандай оптимал траекторияси мос келишини қараймиз.

Ўзгарувчиларни қуидагича алмаштириш билан $Z = k_2 \cdot x$, $w = k_1 \cdot k_2 \cdot y$ (1) – (2) тенгламадан номаълум коэффициентларсиз

$$\frac{dz}{dt} = uw, \quad \frac{dw}{dt} = (1-u)z \cdot w \quad (3)$$

дифференциал тенгламаларга эга бўламиз. Ўзгарувчиларни чизиқли алмаштиришни келтирилган усули, ҳар бир ўқувчи билим ва малакасининг бошқа ўлчов бирлигига ўтказилишига эквивалентdir.

1 ва 2 ҳолларнинг ечими, яъни $u(t)$ бошқарувнинг энг яхши қўриниши оптимал бошқарувнинг математик методлари ёрдамида, айнан Л.С.Понтрягиннинг максимум пинципи ёрдамида топилади[5].

Биринчи масалада (3) система учун максимум принципидан маълумки тезкор таъсир бўлиши мумкин бўлган горизонтал чизик ($u = t$) ва вертикал ($u = 0$) тўғри чизик бўйича ёки хусусий ечим $w = z^2 (u = \frac{1}{3})$ парабола бўйича.

Ҳаракат траекторияси (йўналиши) $Z_0^2 > w_0$ да ҳаракат вертикал тўғри чизик бўйлаб $z_0 < w_0$ да горизонтал бўйлаб, $t^2 = w$ да парабола бўйича йўналади. $\{z^2 > w\}$ ва $\{z^2 < w\}$ ҳар бир соҳа бўйлаб биттадан қўп бўлмаган вертикал ва горизонтал оптимал траектория оралиғи ўтади.

Регуляр синтез ҳақидағи теоремани құллаб күрсатиш мүмкінки, оптималь траектория қуйидаги күринишида бўлади [5]. Дастрас “асосий йўналиш” га чиқиб $w = z^2$ параболагача борилади, ($u = 0$) вертикал бўйлаб ёки ($u = 1$) горизонтал тўғри чизик бўйлаб, сўнгра йўлнинг асосий қисми ($u = \frac{1}{3}$) бўйлаб ўтилади. Агарда охирги нуқта парабола остида ётса, асосий йўналишдан тушиб унга горизонтал бўйича борилади. Агар охирги нуқта парабола устида ётса, траекториянинг якунланувчи қисми вертикал оралиқда бўлади. Хусусий ҳолда $w_0 < z_0^2 < w_1 < z_1^2$ бўлганда, оптималь траектория қуйидагича бўлади. Дастрас асосий йўналишга чиқиб, ($u = 0$) вертикал тўғри чизик бўйлаб параболагача борилади. Сўнгра ($u = \frac{1}{3}$) асосий йўналиш бўйлаб $(z_0; z_0^2)$ нуқтадан $(\sqrt{w_1}; w_1)$ нуқтагача ҳаракатланади. Ниҳоят ($u = 1$) горизонтал бўйлаб охирги нуқтага чиқилади.

2 – ҳолда, оптималь траекториялар мажмуасидан $(z_0; w_0)$ бошланғич нуқтадан бошланувчи нурлар нуқтасигача $(z_1; w_1)$, $w_0 \leq w_1 < +\infty$ минимал вақт талаб қилувчи траектория танланади. Бунда $z_1 \leq 2z_0$ оптималь $w_1 = z_0(z_1 - z_0)$ траектория вертикал ва горизонтал оралиқлардан иборат бўлади.

$z_1 \leq 2z_0$ бўлганда $w_1 = z_1^2 / 4$ оптималь, траектория $w = z^2$ асосий йўналиш бўйлаб $(z_0; z_0^2)$ нуқтадан $(z_1 / 2; z_1^2 / 4)$ нуқтагача ўтади. z_1 билим ҳажми қанчлик кўп эгалланса, шунча кўп вақт бўлганда асосий йўналиш бўйлаб силжиш керак, бунда $2/3$ вақтни малакани оширишга ва $1/3$ вақтни назарий билим йиғишга сарфланади.

Таклиф ва натижалар. Оптималь ўқитиши траекторияси асосий участкаси учун олинган $u = \frac{1}{3}$ қийматни (миқдорни) тақрибан шундай

ифодалаш мумкин: битта маъruzадан кейин 2 та семинар ўтказиш керак 15 минут тушунтиришга, 30 минут масалани ечишга сарфланади. Математик модел ёрдамида олинган натижлар таълим жараёнини оптимал ташкил қилиш эмперик тасаввурга тўлиқ мос келади. Шунингдек, модел ёрдамида вақт бирлиги сон қийматининг $(1/3)$ қисми назарий билимни оширишга, $(1/2)$ қисми охирги маъruzada берилган материалга кетади(семинарларда қайта ишланмасдан).

Асосий йўналиш бўйлаб ҳаракатда, яъни ўқув жараёнининг асосий вақтида масалани тушунтириш ва ечишга вақтни оптимал тақсимланиши барча ўқувчилар учун бир хил бўлади, уларнинг шахсий коэффициентлари k_1 ва k_2 ларга боғлиқ бўлмаган ҳолда. Демак, (1) – (2) ўқитишни бошқариш жараёни модели бир қатор амалий кўрсатмаларни рақамли қўринишда олиш имкониятини яратади [6-8]. Бунда ўқувчидаги мавжуд бўлган билим ва малаканинг ҳажмини ўлчаш усулларига аниқлик киритишга ҳожат қолмайди. Олинган кўрсаткичлар, сифати жихатдан (1) ва (2) тенгламаларга келтирилдиган муносабатни тўлиқ қаноатлантиради.

Хуроса ва таклифлар. Бу ечимларнинг амалиётда қўлланилиши ўқитиш сифатини оширади ва профессор-ўқитувчиларнинг минимал ўқув соатлари юкламасида таълим муассасаси битирувчиларнинг билимини узок муддатга сақланишини таъминлайди.

Оптимал бошқаришнинг таклиф этилаётган математик модели ёрдамида назарий билим бериш ва уни амалиётда қўллай билишни ўзида намоён этган педагогик жараённи берилган вақт оралиғида оптимал режалаштиришни автоматлаштирилган системасини тузишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, келтирилган модел оптимал бошқариш модели сифатида таълим жараёнларининг турли босқичлари раҳбарлари томонидан таълим менежментининг анализ ва синтези билан бевосита боғлиқ бўлган амалий масалаларни ечиш учун имконият яратади.

Адабиётлар

1. Леонтьев Л.П., Гохман О.Г. Проблемы управления учебным процессам: Математические модели. – Рига, 1984. – 239 с.
2. Майер Р.В. Кибернетическая педагогика: Имитационное моделирование процесса обучения. – Глазов: ГГПИ, 2013. – 138 с.
3. Талызина Н.Ф. Управление процессом усвоения знаний. Издательство Московского государственного университета. – 1975. – 342 с.
4. Орлов А.И. Организационно-экономическое моделирование: теория принятия решений; учебник. – М., КНОРУС, 2010. – 568 с.
5. Болтянский В.Г. Математические методы оптимального управления. – М.: Наука, 1966. – 307 с.
6. Сувонов О.О. Об одной задаче оптимального управления процессами обучения. Международная научная конференция. Инфокоммуникационные и вычислительные технологии в науке, технике и образовании. Тезисы докладов. ТУИТ. –Ташкент, 2004.
7. Сувонов О.О., Журакулов Т.Т. Математическая модель и алгоритм расчета процессов управления повышения квалификации в отраслях. Четырнадцатая Международная Азиатская школа-семинар. Проблемы оптимизации сложных систем. Тезисы докладов. Кыргызская Республика, Иссык-Куль, 2018г. Июнь.
8. Suvonov O., Jurakulov T. On one problem of mathematical modeling of learning processes as an object of management// Electronic journal of actual problems of modern science, education and training. june, 2020-III. ISSN 2181-97

БЎЛАЖАК ИНФОРМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ

Рўзиев Рауф Ахмадович

Навоий давлат педагогика институти доценти

Навоий, Ўзбекистон

Норбеков Азамат Останақулович

Навоий давлат педагогика институти таянч докторанти

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада бўлажак информатика ўқитувчиларни тайёрлашда ахборот-таълим муҳитларидан фойдаланиш алгоритми ва ушбу муҳитдан фойдаланиш методикаси, унинг самарадорлик даражаси келтирилган.

Аннотация. В статье представлен алгоритм использования информационно-образовательных сред в обучении будущих учителей информатики и методика использования этой среды, уровень ее эффективности.

Abstract. The article presents an algorithm for using information and educational environments in teaching future teachers of informatics and a methodology for using this environment, the level of its effectiveness.

Калит сўзлар: информатика, ахборот-таълим муҳити, алгоритм, Интернет.

Ключевые слова. информатика, информационно-образовательная среда, алгоритм, Интернет.

Keywords. informatics, information-educational environment, algorithm, Internet.

Кириш. Ахборот технологиялари соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб, такомиллашиб бораётган бугунги кунда таълимни ахборот-таълим муҳити асосида ташкил этиш, унинг мазмунини таълим олувчилар

онгига тўлақонли сингдириш долзарб муаммо сифатида қўтарилимоқда[1]. Замонавий ахборот-таълим мухитида ўқитишнинг муаммоли усули ахборот-рецептив ва репродуктив методлари билан биргаликда кенг қўлланилади. Бу мухитда онлайн тартибда таълим мазмунини тақдим этиш, таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш воситалари сифатида фойдаланилади.

Фойдаланувчи нуқтаи назаридан таҳлил қиласиган бўлсак, ахборот-таълим мухитининг биринчи навбатда, тармоқ мижозларига ўзаро маълумотлар алмашиш, ҳамда виртуал мулоқот қилиш имконини яратиб берувчи ахборот магистрали вазифасини ўтайди. Натижада, ахборот-таълим мухитининг тизимидан фойдаланиш жараёни учун интерактив мулоқот юзага келади. Бунда таълим берувчи ва таълим олувчи бир-бири билан боғлиқ фаолиятни, дифференциаллашганлик тамойилларини, уларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда инсон ва техник имкониятларни оптимал амалга оширишни ҳамда мулоқотдан фойдаланишни назарда тутади.

Ахборот-таълим мухитининг имкониятлари анъанавий қоғоз асосидаги имкониятлардан анча юқори, чунки кенг қўламдаги таълим дастурларини ўзлаштириш ва амалга оширишни таъминловчи ўқув режа, фан ёки ўқув курси бўйича дастурлар, услубий қўлланмалар, электрон дарсликлар, видео лавҳалар, тақдимотлар, мустақил бажариш учун топшириклар, уйга вазифалар, ўргатувчи дастурлар, электрон тренажёрлар, ўз-ўзини баҳоловчи саволлар, тестлар, фан ёки ўқув курсини ўрганиш ҳамда назорат ишларини бажариш бўйича услубий тавсияларни қамраб олган, Интернет тармоғидаги web-сайт ёки web-порталга жойлаштирилган, тизимлаштирилган назарий-амалий ресурс ҳисобланади. Шу боис бугунги таълим тизими учун янги замонавий ахборот-таълим мухитларни жорий этиш таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб, республикамизнинг барча таълим муассасаларида Интернет тармоғи орқали ахборот-таълим

муҳитларидан фойдаланиш жорий этилган. Аммо уларни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича қатор саволлар очиқ қолмоқда.

Хўш, бугунги кундаги таълим муассасаларининг ўқув жараёнида ахборот-таълим муҳитининг фойдаланган ҳолда таълимни ташкил этишининг аҳволи қандай, бу соҳадаги ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат, ўз ечимини кутаётган қандай муаммолар мавжуд?

Адабиётларнинг таҳлили. Замонавий ахборот-таълим муҳитининг таълим тизимида қўлланиши тушунчаларни ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан қайта кўриб чиқишини тақозо этди. Шу боис, таълим ва ўқитиш жараёнларига янгича ёндашувга эътибор билан қарала бошланди. Таълим жараёни дейилганда порфессор-ўқитувчи ва талабанинг ўзаро муносабатидаги яхлит жараён кўз олдимизга келади. Эндиликда ушбу жараён интерактив ўқув мажмуалар, видео ва аудио маъruzалар, компьютер дастурлари, телевизион ва радио ўқув курслари билан уйғунлашиб бормоқда. Бу жараёнда ўқитиш талабанинг кўпроқ ички имкониятлари, интеллектуал потенциали, ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштириш хусусиятларига бевосита боғлиқ. Таълим тизимида ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш муаммолари, таълимни ахборотлаштириш назарияси, методологияси, амалиёти бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва республикамиз олимлари томонидан қўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, А.А.Андреев, О.Е.Белова, А.В.Бараулина, Н.А.Гончарова, Е.Н.Дронова, В.А.Красильникова, А.Л.Назаренко, Л.Ф.Соловьев, А.А.Абдуқодиров, У.Ш.Бегимқулов, М.Ҳ.Лутфиллаев, Ф.Р.Муродова, Н.И.Тайлаков, Б.З.Тўраев, О.А.Тарабрин, Т.Т.Шоймардонов каби олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида бўлажак информатика ўқитувчиларни тайёрлашда ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиш методикасига оид изланишлар етарлича тадқиқ этилмаган.

Н.И.Тайлаков бугунги кунда электрон таълимни жорий этишда қўйидаги туркум муаммолар мавжудлиги ҳақида фикр юритилган [8]:

электрон таълимни жорий этишга педагогик жамоаларнинг етарли даражада тайёр эмаслиги; фан ўқитувчиларининг электрон таълим имкониятлари ҳакидаги тасаввурларининг камлиги, уларни кўллаш бўйича салоҳиятнинг этишмаслиги; электрон таълимни жорий этиш бўйича мутахассисларни етарли даражада эмаслиги.

У.Ш.Бегимқулов [3] таълим тизимида ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштириш, бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида таълим жараёни сифати ва самарадорлиги ошишини, талабаларнинг билиш фаолиятлари интенсивлашуви, фанлараро алоқадорликнинг чуқурлашуви кузатилишини ҳақида фикр юритилган бўлса, А.В.Бараулина [2] дарсларда - таълим муҳитидан фойдаланилса, қуйидаги имкониятларга эришиш мумкинлиги ҳақида фикр юритган: таълимда ижобий мотивацияни таъминлайди; дарсларни юқори эстетик ва эмоционал босқичларда олиб боришни таъминлайди; дифференциаллашнинг юқори босқичларини таъминлайди (якка тартибда шуғулланиш); дарсда бажарилган иш ҳажмини 1,5-2 баробарга оширади; билимларни назорат қилишни такомиллаштиради; фазовий тасаввурларни ривожлантиради; ўқув жараёнини рационал ташкиллаштиради ҳамда, дарс самарадорлигини оширади; тадқиқотчилик фаолияти кўникмаларини шакллантиради; турли маълумотли тизимлар, электрон кутубхоналар каби ахборот ресурслардан фойдаланишга оид кўникмаси шаклланади.

Е.Н.Дронова [4] ахборот-таълим муҳитларидан онлайн тарзда тақдим этилиши таълим олувчининг ушбу фанга бўлган қизиқишини орттириши ҳақида фикр юритган.

Мазкур ижобий ютуқларни амалга оширишда ахборот-таълим муҳитининг ўқув машғулотларининг ташкил этувчилари видео маъруза, ўргатувчи дастурлардан, ўз-ўзини баҳолович ва назорат қилувчи диагностик

апарат дастурий воситалардан ҳамда мустақил бажариш учун масалалар, лаборатори ишларидан иборат бўлиши лозим [4].

Ушбу олимларнинг фикрларини таҳлилига кўра, ахборот-таълим муҳитианъанавий ҳамда масофавий таълим ўқув-методик таъминотининг самарали интеграциясини таъминлаши, талабаларга мустақил изланиш йўли билан материалларни топиш, ўрганиш ҳамда муаммоли масалаларни ҳал этиш орқали уларда маълум тадқиқот ишларини амалга ошириш кўникмаларини шакллантириши, талабаларнинг курс, малакавий битириув ишларини бажаришда, магистрлик диссертацияларини тайёрлашда ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаб олиш, ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил эта олиш каби малакаларни шаклланиши учун шароит яратишга оид дидактик вазифаларни ҳам амалга оширади.

Тадқиқот методологияси. Бугунги кунда ахборот-таълим муҳити орқали таълим бериш Америка, Германия, Буюк Британия, Япония, Хитой, Жанубий Кория ва Россия давлатларида кенг тарқалган бўлиб, XXI аср охирида ахборот-таълим муҳити орқали таълим бериш, бутун дунёни қамраб олиши кутилмоқда. Бу борада АҚШнинг Пенсильвания давлат университети масофавий таълим маркази (worldcampus.psu.edu), Калифорния виртуал университети (cvc.edu), Вашингтон очиқ университети (gwu.edu), Ғарбий губернаторлари университети (umuc.edu), Миннесота виртуал университети (careerwise.mnscu.edu), Флорида масофавий таълим университет (fcd.ufl.edu)лар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда [5].

Бугунги кунда Буюк Британия (open.ac.uk) очиқ университетида 2 миллиондан ортиқ талаба таҳсил олади, ушбу университетнинг 305 та худудий ва 42 та бошқа давлатларда марказлари мавжуд. Университетнинг 250 та марказида аниқ ва табиий фанларга оид электрон ресурслардан, аудио видео материаллардан 120 000та ўқувчи ва талабалар фойдаланиб таҳсил олиб келмоқда. Ушбу очиқ таълимга ўхшаш таълим марказлари Канада,

Австрия, Испания, Покистон, Нидерландия, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа давлатларда мавжуд[5].

Германияда ахборот-таълим мұхитидан фойдаланиб таълим бериш ўзига хос хусусиятларга эга. Ушбу таълим бериш тизими марказлаштирилган ҳолда олий-касбий таълим мутахассисларини масофадан туриб тайёрлашни режалаштиришдан бошланган. Мутахассисларни тармоғи орқали тайёрлаш, амалга ошираётган олий касб-хунар таълим муассасасига мисол сифатида, Хаген (**fernuni-hagen.de**) ва Дрезден технология (**tu-dresden.de**) университетларини келтириш мүмкін. Университетда 50000 дан ортиқ талабага аник ва табиий фанларга оид ўқув ресурслари хизмати амалга оширилади [5].

Хитойнинг кўплаб таълим олувчилари “Netease Open Course” платформасидаги электрон ресурсларидан фойдаланишади. “Netease” курсларининг очилиши эркин вақтда тўловларсиз таълим олиш учун муқобил университет бўлиб қолмоқда. Тармоққа 20 мингдан ортиқ маъruzалар (видео конференциялар, дунёнинг энг машҳур университетлар семинар машғулотлари) жойлашган. Кўплаб видео дарсларда Хитой субтитр (изоҳли ёзув)лари мавжуддир. Фойдаланувчилар қўл телефонлари орқали, уларни йўлда кетаётганда, ишда ёки спорт билан шуғулланаётган вақтда фойдаланиш имкониятига эга [9].

«Netease» очик курслари Штаб-квартираси Ханчжоу шахрида жойлашган бўлиб, 5 йил мобайнида офис Оксфорд, Йельск ва Кембридж университетлари ҳамда, Америка web-ресурслари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. Бу ерда асосан оммавий фойдаланувчиларни 18-35 ёшлилар ҳисобланади. Буларни асосан, университет талабалари ёки яқинда битирган битирувчилар ташкил этади [10].

Япония таълим вазирлигининг 2003 йилгача бўлган миллий ўқув режаси биринчи навбатда бошланғич, ўрта мактаб ва университет ўқитувчиларини ахборот-коммуникация технологиялари саводхонлигини

ошириш бўйича қайта тайёrlашга қаратилади. 2005 йилга келиб, Япониядаги барча таълим муассасалари 24 соат давомида юқори тезликда ишлайдиган ADSL ва оптик толали Интернет тармоғига уланди. Ўқувчиларнинг фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун ўқитувчи журнали ва журналлар электрон шаклга ўтказилиб, Интернет тармоғига жойлаштирилиб борилди. Ота-оналар ўз фарзандларини фанлардан ўзлаштириш даражасини онлайн назорат қилиб бориши ва ўқитувчилар билан электрон почта орқали мулоқот қилиб бориш учун Интернет тармоғида маҳсус маълумотлар базаси яратилди. Шунингдек, ота-оналар билан видео конференциялар орқали мулоқотлар ўтказиб борилади. Японияда энг яхши жаҳон стандартларига мувофиқ таълим сифатини ошириб келаётган Кёто университети (**kyoto-u.ac.jp/en**), Токио технологиялари институти (**titech.ac.jp**), Токио университети (**u-tokyo.ac.jp**), Кюшу университети (**kyushu-u.ac.jp**), Нагоя университети (**civil.nagoya-u.ac.jp**), Осака университети (**osaka-u.ac.jp**)ларини мисол сифатида келтириш мумкин.


Жанубий Кореяда дунёда таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланаётган давлат ҳисобланди, ҳозирги кунда ҳар бир дарсда ахборот-таълим мухитидан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар учун қўл телефонлари ва смартфонларида дарсда, дарсдан ташқари ва уйда фойдаланиш учун ўқув ресурслари яратилган. Шунингдек, **e-learning** ўқитиш тизими фаол тарзда йўлган қўйилган бўлиб, унда 700 дан ортиқ электрон таълим провайдерлар компанияси фаолият кўрсатиб келмоқда.

Россия Федерациясида таълимни ахборотлаштиришга ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланишни ривожлантириш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Биринчи қадам сифатида Россия университетлари давлат дастурлари доирасида Россия миллий, илмий-таълимий **runnet.ru** тармоғи шакллантирилиб, ушбу тармоқقا университетлар, катта илмий таълим муассасалар бирлаштирилди ҳамда, дунё таълим муассасаларининг илмий таълим ресурсларидан фойдаланишни

амалга оширилди. 2001-2005 йиллар оралиғида эса ягона ахборот-таълим мини ривожлантириш мақсадида бир қанча таълим порталлари яратилиб, ушбу яратилган порталларга 10 000 дан ортиқ ўкув ресурслари жамланиб, 42та худудий масофавий таълим маркази Интернет тармоғи орқали таълим бериш учун ахборот-коммуникацион курилмалари билан таъминланди [6]. Айни пайтда информатика фанини ўқитишига мүлжалланга access-video.ru, academu.yandex.ru, coursera.ru, loftblog.ru, cictemnik.ru каби ахборот-таълим муҳитларидан бўлажак информатика ўқитувчиларини тайёрлашда кенг кўламда фойдаланилиб келинмоқда.

Бу борада мамалакатимизда ZiyoNET ахборот-таълим тармоғи портали (**ziyonet.uz**), Очик таълим видео портали (**uTube.uz**), ахборот иехнологиялари университетининг web-сайти (**acm.tuit.uz**) каби ахборот-таълим муҳитлари яратилиб, ўкув жараёнида кенг кўламда фойдаланилиб келинмоқда.

Айни пайтда ушбу ахборот-таълим муҳитларидан бўлажак информатика ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича ўқитиши алгоритми ва фойдаланиш методикасини такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Шу боис биз қуидаги фойдаланиш алгоритмни тавсия этамиз (1-расмга қаранг).



1-расм. Ахборот-таълим мухитидан фойдаланиш алгоритмининг тузилмаси.

Профессор-ўқитувчи онлайн тартибда ахборот-таълим мухитларидан фойдаланиб, информатика туркумiga кирувчи фанларни ўзлатиришини назорат ва таҳлил қилиб боради. Аъло ва яхши баҳога ўзлаштирган талабаларга амалий дастурлар, электрон дарсликлар, ўргатувчи дастурлар ҳамда киччик лойиҳалар бажариш топшириклари бериб борилади.

Қониқарли ва қониқарсиз баҳо олган талабаларга маъruzalарни, амалий машғулотларни, лаборатория топшириқларни қайта ўзлаштириш бўйича онлайн топшириқлар бериб боради.

Ўшбу алгоритм ҳамда 1-жадвалда келтирилган ахборот-таълим мухитларидан фойдаланган ҳолда Навоий давлат педагогика институтида “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналишининг таълим олувчи талабаларини ўқитишда фойдаланинди.

1-жадвал

Т.р	Фанлар	Фойдаланган ахборот-таълим мухитлари
1.	Алгоритмлар ва дастурлаш тиллари	ziyonet.uz, acm.tuit.uz, uTube.com
2.	Информатика	ziyonet.uz,uTube.com
3.	Ахборот тизимлари	ziyonet.uz,uTube.com
4.	Компьютер графикаси	ziyonet.uz,uTube.com
5.	Веб дизайн	ziyonet.uz,uTube.com, academu.yandex.ru, coursera.ru, loftblog.ru
6.	Маълумотлар базаси	ziyonet.uz, access-video.ru
7.	Тармоқ технологиялари	ziyonet.uz,uTube.com
8.	Компьютер таъминот	ziyonet.uz,uTube.uz, uTube.com, cictemnik.ru
9.	Компьютерли моделлаштириш	ziyonet.uz,uTube.com
10.	Танловфанлар	ziyonet.uz,uTube.com, academu.yandex.ru, coursera.ru

Информатика туркумига кирувчи фанларни ўқитишда 1-расмда келтирилган алгоритм асосида ҳамда 1-жадвалда келтирилган ва шунга ўхшаш ахборот-таълим мухитларидан фойдаланилса, қуйидаги имкониятларга эришади: шахснинг янги ғояларни яратиш ва қабул қилишга тайёрлигини тавсифловчи ижодий қобилиятини ривожлантиради; шахс ҳатти-ҳаракати, фаолиятида креатив мавжудлигини амалдаги анъанавий ҳолатлар, тажрибалардан фарқли ўлароқ муаммони янгича ёндашувлардан фойдаланган ҳолда, ностандарт усулда ечишга оид мустақил қарор қабул

қилиш иқтидорини ривожлантиради; топшириқларни, фаолликни ривожлантиришга хизмат қиласы.

Таҳлил ва натижалар. Педагогик тажриба-синовини ўтказиш жараёнида амалга оширилган педагогик экспериментнинг муваффақияти, ушбу жараёнда унинг ташкилий-педагогик жиҳатларини инобатта олиши заруриятини кўрсатади. Шунинг учун ҳам мазкур жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёни Навоий давлат педагогика институтидаги профессор-ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини билиш билан ташкил этилди. Тажриба-синов ишлари 2017-2020 йилларда Навоий давлат педагогика институтининг “Информатика ўқитиши методикаси” таълим йўналишида кундузги ва сиртқи таълим оловчи талабалар ўртасида ўтказилди. Тажриба ва назорат гурухлари учун жами 246 нафар талаба танлаб олинди.

Тажриба-синов даврида информатика фани профессор-ўқитувчиси ва талабалар билан ахборот-таълим мұхитларнинг асосий ҳусусиятларига оид сұхбат ва кузатувлар олиб борилди. Сұхбат ва кузатиш натижалари учун 18 нафар информатика фани профессор-ўқитувчиси ва 246 нафар талаба иштирок этди.

Профессор-ўқитувчилар томонидан сўров натижаларидан маълум бўлдики, 56,4 % ўқитувчи дарс жараёнида ахборот-таълим мұхитларидан фойдаланиш зарур, 28,6 % мустақил равшда фойдаланиш мақсадга мувофиқ, 14,8 % қийин мавзуларни ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин, 0,2 % билимларни ўзлаштиришга ёрдам бермайди, деб ҳисоблашди.

Талабалар томонидан сўров натижаларидан маълум бўлдики, 45 % ўқитувчи дарс жараёнида ахборот-таълим мұхитларидан фойдаланиш зарур, 40,3 % мустақил равшда фойдаланиш мақсадга мувофиқ, 14,4 % қийин мавзуларни ўзлаштиришда фойдаланиш мумкин, 0,3 % билимларни ўзлаштиришга ёрдам бермайди, деб ҳисоблашди.

Тажриба-синов ишларининг умумлаштирувчи босқичи 2019 йилда олинган сонли маълумотларнинг натижалари таҳлил қилиниб, умумлаштирилди ва унинг ишончлилигини текшириш мақсадида Стъюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлили қилинди. Мазкур критериядан фойдаланишда танланмалар учун мос ўрта қийматлар $\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^4 n_i X_i$, тарқоқлик коэффициентларини $D_n = \sum_{i=1}^4 \frac{n_i (x_i - \bar{X})^2}{n-1}$ ўзлаштириш кўрсаткичларини аниқлашда эса $A\% = \frac{\bar{X}}{3} \cdot 100\% - \frac{\bar{Y}}{3} \cdot 100\%$ формулалардан фойдаланилди. Олинган сонли натижаларга кўра, ўқитиши самарадорлигининг баҳолаш мезони бирдан катталигива билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катта экан. Бундан маълумки, тажриба гурухи кўрсаткичлари назорат гурухидагидан юқори.

Хисоблаш натижасига кўра, тажриба гурухининг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи назорат гурухига нисбатан юқори эканлиги, яъни, 11,4 % га ошганлиги маълум бўлди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, информатика ўқитувчисини тайёрлаш учун Office дастурларни, график дастурларни, маълумотлар базасини бошқариз тизмларини, дастурлаш тилларини ҳамда, компьютернинг дастурий ва техник таъминотини ўрганиши талаб этади. Шу сабабли бўлажак ўқитувчилар ушбу дастурий воситаларни ва компьютернинг техник таъминотини ўрганиши, уларни қўллаш кўнималарига эга бўлишини тақозо этади. Ушбу дастурий воситаларни мукаммал ўрганишнинг энг қулай усулларидан бири, уларни мустақил равишда ахборот-таълим муҳитида фойдаланишдан иборатdir. Бу эса ўз навбатида, ахборот-таълим муҳитига жойлаштирилган ўргатувчи дастурларидан фойдаланишни талаб этади. Ахборот-таълим муҳитидан фойдаланиб, дастурий воситаларни мустақил равишда ўрганиш, улардан фойдаланиш қонун-қоидаларни интуитив даражада тушунишга, керакли ахборотларни излаб топишга ҳамда улар билан ишлашни ўргатади. Шу боис бўлажак информатика ўқитувчиларни

